2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 59 (848), 2023 йил 28 март, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ИНВЕСТИЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 март куни инвестиция, экспорт ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити самарасида сўнгги йилларда чет эл корхоналари 5 мингтадан 16 мингтага кўпайди. Ҳар бир туман ва шаҳарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди.

Экспорт қилувчи корхоналар сони беш йилда 4 минг 500 тадан 7 минг 200 тагача кўпайди. Экспорт қилинаётган маҳсулот турлари ҳам 1 минг 500 тадан қарийб 3 мингтагача ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага етди. Тайёр маҳсулот экспорти 2 бараварга, уларнинг товарлар экспортидаги улуши 50 фоиздан 65 фоизга ошди.

Бу суръатни изчил давом эттириб, жорий йилда қарийб 11 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳудудларда 23 миллиард долларлик 12 мингта янги лойиҳа, шу жумладан, 3 мингдан зиёд саноат лойиҳалари ишга туширилиши белгиланган.

Энди уларни амалга ошириб, халқ манфаатига йўналтириш керак.

Йиғилишда мутасаддилар шу борадаги ишлар юзасидан ҳисобот берди. Йил бошидан 764 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилгани, 1 минг 300 та йирик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилгани қайд этилди. Экспорт 3 миллиард долларни ташкил қилган.

Давлатимиз раҳбари бу натижалар етарли эмаслигини, дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда икки карра кўпроқ ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлади.

Ускуналарни олиб келиш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишда логистика масалалари кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда. Бу ҳолатда хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳам қийинлашмоқда. Аниқ лойиҳалар ва инфратузилма масаласи ҳам долзарб.

Шу боис, Президентимиз ишга тушадиган лойиҳалар ижросини ҳудудлар ва тармоқлар кесимида кунлик назорат қилиб, муаммоларни ҳал қилиб бориш зарурлигини таъкидлади. 304 та йирик ва 3 мингта ҳудудий лойиҳа ишга туширилиши натижасида шу йилнинг ўзида 10 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва 200 миллион долларлик экспорт қилиш имкониятлари мавжуд.

Ташқи бозорларни доимий таҳлил қилиб, янги бозорларни ўзлаштириш, янги транспорт йўлакларини топиш бўйича кўрсатмалар берилди. Рақобат кучайиб бораётган айни пайтда маҳсулотлар сифатини ошириш ва таннархини тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Юқори технологик ва қўшилган қийматли маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш тизимини жорий қилиш, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида Саноат сиёсати тадқиқотлари марказини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ЕТАКЧИЛАРИ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан 27 март куни ўтган телефон орқали мулоқотида олий даражада эришилган келишувлар ижросининг таҳлили батафсил кўриб чиқилди.**

Ўзбекистон ва Миср етакчилари суҳбатни муборак Рамазон ойи кириб келгани билан бир-бирини самимий қутлашдан бошлаб, дўст халқларимизга фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равнақ тиладилар.

Икки мамлакат етакчи компанияларининг энергетика, тоғ-кон, чарм ва заргарлик тармоқлари, соғлиқни сақлаш ва телекоммуникация соҳалари каби йўналишларда аниқ кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун фаол мулоқотларни давом эттириш ва қулай шароитларни шакллантириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу мақсадда икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА**

### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

## МИЛЛАТ ВА МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА *дахлдорлик туйғуси*

## Бу қадрият халқни юксалиш сари етаклайди

**Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида яққол кўзга ташланмоқда. Бу ислоҳотлар самараси, аввало, халқимиз турмуш тарзини ва дунёқарашини тубдан ўзгартирди. Юртдошларимизнинг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаоллиги ошмоқда, давлат аҳамиятига молик муҳим лойиҳалар ижросини таъминлашда иштироки кенгаётир. Буларнинг барчаси инсон манфаатини улуғлаб, обод ва фаровон жамият барпо этишни кўзлаган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасидир.**



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз вазифасига киришган илк кунларданоқ кучли демократик давлат қуриш, бу йўлда халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш, жамиятда очиқлик, ошкоралик муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада кечиктириб бўлмас вазифаларни аниқлаб олиш, улар томон тизимли ҳаракат қилиш мақсадида доно халқимиз билан бамаслаҳат Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилди. Энди эса унинг мантиқий давоми бўлган Тараққиёт стратегияси асосида янги, янада улкан вазифалар ижросига киришилган. Ўтган давр мобайнида мазкур ҳужжатлар асосида мамлакатда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар кечди. Бугун бу ўзгариш ва янгиланишларни одамлар ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

Албатта, қисқа муддатда бундай натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Буларнинг замирида давлатимиз раҳбарининг қатъияти ва сиёсий иродаси мужассам. Ана шундай аниқ мақсад ва узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат туфайли бугун ҳар томонлама ривожланган Янги Ўзбекистон барпо этилмоқда. Учинчи Ренессанс пойдевори яратилиб, халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган ғоя ҳаётда ўз тасдиғини топаётир. Натижада давлат ва ҳокимият идораларининг иш принципи ўзгарди. Ҳар бир ислоҳот ва янгиланиш инсон манфаати, унинг турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилиши белгиланди.

Давоми 3-бетда

### ЭЗГУ АМАЛЛАР ИФОДАСИ

## КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧУ СУРУР ОЛИБ КИРИШ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР



**Муқаддас динимиз кишиларни бир-бирига яхшилик қилишга, меҳр-мурувват ва саховат кўрсатишга чақиради. Айниқса, Рамазон ойида бу каби инсоний қадриятлар янада кенг қулоч ёзиб, кўнгилларга сурур ва шукуҳ олиб киради.**

Ушбу муборак ойда мўмин киши рўза тутиш билан бирга, кўпроқ тоат-ибодат, тиловат, зикрлар қилади. Яқинлари ҳамда дўсту ёрларини зиёрат қилиб, уларга эзгу тилакларини билдиради. Энг муҳими, эҳтиёжманд ва кам таъминланганларга хайр-эҳсон улашиб, кўнглини кўтариш ҳаракатида бўлади. Зотан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам саховатлари Рамазон ойида аввалгидан-да зиёдалашар эди.

Давоми 2-бетда

### "ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

## *Яхшидан* БОҒ ҚОЛАДИ

**Бугунги кунда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, қишлоқ ва овулида боғ яратиш, юртни обод, янада гўзал гўшага айлантириш борасидаги эзгу ишлар кенг қулоч ёймоқда.**

Давоми 5-бетда

### ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

## ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?



**Назарий жиҳатдан инфляция ўзида мамлакатдаги товар ва хизматлар баҳоси умумий даражасининг ўсишини ифода этади. Бунда унинг асосий кўрсаткичи истеъмол нархларининг муайян даврдаги ўзгариши ҳисобланади.**

— Инфляция фақатгина товарлар ва хизматлар нархи ўсиши ҳамда аҳоли даромадлари камайишини ифодаловчи кўрсаткич эмас, — деган эди матбуот анжуманларидан бирида Марказий банк раиси Мамаризо Нурмуратов. — Бу кенг маънодаги иқтисодий жараён ҳисобланади. Шу боис, улар бир-бири билан бевосита боғлиқ ва ўзаро бир-бирига таъсир қилади.

Юқори инфляция шароити тадбиркорлар учун ҳам яхши эмас, улар ҳам ўз бизнес фаолиятини 2-3 йил олдинга режа қила олмайди, бугунги кун билан яшайди. Иқтисодиётда жамғармалар ошмайди ва бу келгусида инвестицияларга салбий таъсир кўрсатади.

Давоми 4-бетда

### ТУРИЗМ

## ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ САЙЁҲЛИК



## Унинг ривожланиш истиқболлари қай даражада?

6-бетга қаранг.

ЭЗГУ АМАЛЛАР ИФОДАСИ

# КЎНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧУ СУРУР ОЛИБ КИРИШ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗДИР

**Ҳомиджон ЭШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари**



Бошланиши 1-бетда

Ибн Аббосдан ривоят қилинади: “**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча инсонлар ичида энг саховатлиси эдилар. Рамазонда Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом билан учрашганларида саховатлари янада ортар эди. Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ҳар кеча учрашиб, Қуръонни музокара қилар эдилар. Ҳазрат Расулуллоҳ хайрли ишда кучли шамолдан ҳам тез эдилар**”.

Демак, сахийлик, қўли очиқлик ҳамда етим-есир, камбағалларга кўмак бериш каби фазилатлар бизга Пайғамбар алайҳиссаломдан мерос. Бу эзгу анъаналар бугунги кунда давом эттирилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2023 йил **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** деб эълон қилингани ҳам юртимизда инсон қадри нақадар улуғ эканидан далолат беради. Қолаверса, жисмоний имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли ишлар ҳам таҳсинга лойиқ.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 февраль куни Бухоро вилоятига ташрифи асносида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровнинг кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни Умра зиёратига жўнатиш тўғрисидаги илтимосига розилик бергани халқимиз томонидан катта хурсандлик ва зўр қувонч билан кутиб олинди.

Орадан қисқа фурсат ўтиб, Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги ва яқиндан қўллаб-қувватлаши билан 1400 нафар эҳтиёжманд юртдошимиз муқаддас Умра сафарига йўл олди. Ушбу муборак сафар учун харажатлар давлатимиз томонидан қоплаб берилмоқда.

Юртдошларимиз Жидда халқаро аэропортида ишчи гуруҳ ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қизғин кутиб олиниб, меҳмонхоналарга жойлаштирилмоқда.

Зиёратчилар Мадина ва Макка шаҳарларида барча зарур қулайликларга эга шинам меҳмонхоналарда истиқомат қиляпти. Ушбу тураргоҳларда Умра ибодати тадбирлари ташкил этиляпти.

Умра зиёратчиларига кенг қулайлик яратиш мақсадида ишчи гуруҳ, гуруҳ раҳбарлари, тиббиёт ходимлари узлуксиз хизмат кўрсатмоқда. Мадина ва Маккадаги меҳмонхоналарда тиббий хизмат хонаси ҳам фаолият юритмоқда.

Умра ибодатини адо этаётган эҳтиёжманд фуқароларимиз кўп йиллик орзулари ушалганидан хушнуд бўлиб, шундай саодатли кунларга етказгани учун Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтмоқда.

> **РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ “КИМ РЎЗАДОР КИШИГА ИФТОРЛИК ҚИЛИБ БЕРСА, У КИШИГА ҲАМ РЎЗА ТУТГАННИНГ АЖРИДЕК САВОБ БЕРИЛАДИ. БУ БИЛАН РЎЗАДОРНИНГ АЖРИДАН ҲЕЧ БИР НАРСА КАМ БЎЛМАС”, ДЕДИЛАР (ИМОМ ТЕРМИЗИЙ РИВОЯТИ). УШБУ ҲАДИСДАН ИФТОРЛИК ҚИЛИБ БЕРИШНИНГ НАҚАДАР УЛУҒ ЭКАНИ АНГЛАШИЛАДИ.**

Бу хайрли ишларнинг бошида турган давлатимиз раҳбарини дуолар қилмоқда. Шу кезларда уларнинг қалби шукроналик ҳиссига тўлиб, ҳаётдан мамнун ва масрур эканини намоён этяпти.

Президентимиз топшириғига биноан, ушбу муқаддас ойда умра зиёратига кетган кам таъминланган юртдошларимизнинг оиласидан хабар олиниб, уларга Рамазон хайру эҳсонлари улашилмоқда. Яшаш шароитларини яхшилаш, моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратиляпти. Зотан, мусулмон киши муҳтожларга кўмак кўрсатиши, уларнинг оғирини енгил қилиши улуғ фазилат ҳисобланади.

Бундан ташқари, имом-домлалар маҳалла масъуллари ва маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари билан ҳамкорликда аҳолининг кам таъминланган қатламига ифторликка сарфланадиган маблағлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатмоқда. Уларнинг уйларида ифторлик дастурхони ёзиб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиняпти.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “**Ким рўзадор кишига ифторлик қилиб берса, у кишига ҳам рўза тутганнинг ажридек савоб берилади. Бу билан рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмас**”, дедилар (Имом Термизий ривояти). Ушбу ҳадисдан ифторлик қилиб беришнинг нақадар улуғ экани англашилади.

Қуръони каримнинг “Бақара” сураси 271-оятида эса бундай дейилади: “**Садақаларингизни агар ошкора берсангиз, жуда яхши. Борди-ю, камбағалларга пинҳона берсангиз, ўзингиз учун янада яхшироқдир ва** (У) **гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ қилаётган** (барча) **ишларингиздан хабардордир**”.

Рамазон ойида қилинган садақа энг яхши садақадир. Шунинг учун кам таъминланган оилаларга Рамазон қувончи ва сурурини олиб кириш ҳар биримиз учун ҳам қарз ва ҳам фарздир.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

# ХОРИЖДА 55 ТА РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАСИ ТУЗИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида мамлакатимизда 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.**

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонун ва Сайлов кодексининг тегишли моддалари, Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум участкалари тузилади.

Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида 55 та референдум участкасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур референдум участкалари 14-Тошкент шаҳар референдум округига бириктирилди.

Маълумки, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашиш ҳуқуқига эга. Улар Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига асосан 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтадиган референдумда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросидан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, бир қатор маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

## тўғрисидаги маълумотлар ЕХҲТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

**Ўзбекистон Республикасининг ЕХҲТ қошидаги Доимий ваколатхонаси томонидан ЕХҲТ Доимий кенгашининг 1415-сонли мажлиси кун тартибига “Ўзбекистонда бўлажак референдум” мавзусидаги масала киритилди ва унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг ЕХҲТдаги Доимий вакили Абат Файзуллаев йиғилиш қатнашчиларига жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдум ва Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида батафсил маълумот тақдим этди.**

Тадбирда ЕХҲТга аъзо бўлган барча 57 та давлат, 11 та мулоқот бўйича шерик давлатлар ҳамда ташкилотнинг ижро этувчи тузилмалари раҳбарлари иштирок этди. Хусусан, маърузада мазкур конституциявий ислоҳотлардан кўзланган мақсад мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш ҳамда Асосий қонунни жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли тус олган ислоҳотлар мантиғига мослаштиришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

“Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши керак”, деган ғоя асосида Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси ўтказилгани, жами аҳолидан уни такомиллаштириш бўйича 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушгани ва уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олгани қайд этилди.

Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан бир қаторда ЕХҲТ томонидан қабул қилинган тегишли халқаро ҳужжатлар ҳам таҳлил қилингани билдирилди.

Конституциявий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқий мақоми бўйича қатъий нормалар киритилаётгани, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланаётгани, давлат ҳокимияти тизими тубдан ислоҳ этилиб, парламентаризм янада кучайтирилаётгани, ёшлар, болалар, аёллар ҳуқуқлари муҳофазасига оид қўшимча кафолатлар белгиланаётгани маълум қилинди. Шунингдек, Конституцияга бозор механизмларини янада ривожлантириш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқларнинг таъминланишини давлат томонидан муҳофаза этиш ҳамда мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлишига доир янги нормалар киритилаётгани қайд этилди.

Умуман олганда, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайиб, нормалари ҳажми 65 фоизга ошиши ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар сони ва мазмуни Конституцияни янги таҳрирда қабул қилиш заруратидан далолат бериши таъкидланди.

Мажлис якунида Ўзбекистон делегацияси маърузаси матни ЕХҲТнинг расмий ҳужжати сифатида иштирокчи давлатларга тарқатилди.

**“Дунё” АА**
***Вена***

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

# ИНСОННИНГ ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ ДАХЛСИЗДИР

**Дилдора БОЗОРОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори**

**Яқин йилларгача қийноқ, зўравонлик, камситиш, шахс дахлсизлигининг бузилиши мамлакатимизда энг оғриқли, халқ юрагини эзиб, бўйнини эгиб келган муаммолардан эди. Айниқса, жазони ижро этиш муассасаларидаги вазият, маҳкумларга шафқатсизларча муносабат оддий одамларни қаттиқ ташвишга солиб, норозилигига сабаб бўлар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишидаги халқаро ташкилотлар эса бу тизимни ҳамиша танқид қиларди.**



Мана шу адолатсиз тизим Янги Ўзбекистон ислоҳотлари эпкинида тубдан ўзгарди. Бугун жазони ижро этиш муассасаларига ҳам “Инсон қадри учун” тамойили кириб боргани барчамизга, хусусан, халқаро ташкилотларга кундек равшан.

Бу нималарда намоён бўлади? Аввало, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да БМТнинг Қийноқларга қарши конвенцияси Факультатив протоколига қўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгиланди.

Амалдаги қонунчиликда жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Шахсга нисбатан бу каби муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида кўрилди.



> **Давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистонда инсон қадр-қимматини ерга урадиган, одамийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо йўл қўйилмаслиги ҳақида таъкидлаб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистонда инсон қадр-қимматини ерга урадиган, одамийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига мутлақо йўл қўйилмаслиги ҳақида таъкидлаб ўтди.

Президентимизнинг 2021 йил 26 июндаги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Мазкур қарор билан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузурида Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди.

Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларнинг маъмурияти жамоатчилик гуруҳларига ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш, шунингдек, тегишли ҳужжатлар билан танишиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди.

Шу билан бирга, жорий йилдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича доимий равишда қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Шу кунгача жазони ижро этиш колониялари, тергов ҳибсхоналарига 2800 дан ортиқ видеокузатув камераси ўрнатилди. Ички ишлар вазирлигининг барча тергов изоляторлари, тергов тадбирларини ўтказиш хоналари ҳам камералар ва овоз ёзувчи мосламалар билан таъминланди.

Инсон қадрини таҳқирлашга доир ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳуқуқи чекланган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Аммо бугун суд-тергов тизими аввалгидай ёпиқ эмас. Очиқлик сиёсати бу соҳани ҳам ислоҳ қилиб, халқчил тамойиллар асосида иш юритишга олиб келди.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 26-моддасида ***“Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.***

***Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас.***

***Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ва илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас”,*** дея белгилаб қўйилмоқда.

Бу эса амалдаги ўзгаришларнинг конституциявий асоси яратилаётганини англатади. Янги таҳрирдаги Бош қонунимизда шахсий дахлсизлик, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари сўзсиз таъминланиши белгилаб қўйилмоқда. Шундай экан, қийноқлар, зўравонлик ёки инсон қадри камситилишига бундан кейин ҳам мутлақо йўл қўйилмайди.

Шунингдек, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мутлақо йўл қўймасликка оид конституциявий норманинг белгиланиши “Инсон қадри учун” деган эзгу ғоянинг тўлиқ рўёбга чиқарилишидаги навбатдаги муҳим қадамдир.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# МИЛЛАТ ВА МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА дахлдорлик туйғуси

## Бу қадрият халқни юксалиш сари етаклайди



**Қутбитдин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

### Халқ билан мулоқотнинг янгича тизими самараси

Мамлакатда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик бўлиши қатъий талаблардан бирига айланди. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвиши билан амалда жиддий шуғуллана бошлади. Яъни бугунги кунда давлат органлари халқ учун, ҳар бир фуқаро учун очилиб, фаол мулоқот олиб бормоқда. Бу борада халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги тизими, янгича институти яратилди. Хусусан, Президентимизнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Натижада халқимиз дард-ҳасратини, йиллар давомида йиғилган муаммоларини очиқ-ошкора айта олиши учун имконият пайдо бўлди.

Инсон қадри — улуғ, у эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак, деган эзгу ғоя ижобатини юртдошларимиз бугун ўз тақдири ва турмушида кўриб, ҳис қилиб турибди. Очиқлик сиёсати туфайли халқимизнинг давлатга ишончи янада мустаҳкамланди. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси асосида бу борадаги ишлар ривожланиб, инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг фаровон яшашини таъминлаш, ҳаётдан рози қилишдек эзгу ишлар тобора кенгайиб бораётир.

Тараққиёт стратегияси Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми бўлиб, "Давлат — инсон учун" эзгу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида унинг умумхалқ муҳокамаси орқали қабул қилиниши муҳим ишларда халққа таяниш ва у билан бамаслаҳат иш олиб боришдек асосий демократик тамойиллар ҳаётимиздан чуқур ўрин олганидан далолат беради.

Инсон қадри деганда, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилмани ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб бериш тушунилади. Бу мақсадга эришиш учун эса дунёда ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш вазифаси қўйилмоқда. Хусусан, бугунги кунда ҳар бир маҳаллага аҳоли сони, уларнинг инфратузилмаси ҳолатидан келиб чиқиб етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда. Маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари, профилактика инспекторлари фуқаролар билан доимий иш олиб бориб, уларни қийнаётган муаммоларни босқичма-босқич ҳал этмоқда. Барча масалалар маҳалланинг ўзида ўрганилиб, ечимини топмоқда.

Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори маҳаллалар ҳаётини янги босқичга кўтарди. Қарор асосида маҳаллалардаги ички йўллар, ичимлик ва оқова сув, электр энергияси, газ таъминоти ва бошқа ижтимоий объектларни таъмирлаш учун маблағ ажратилмоқда.

### Ижтимоий ҳимоянинг муҳим кўриниши

Аҳолининг ҳаёт даражасини ифода этувчи муҳим омиллардан яна бири уй-жой таъминоти масаласидир. Сўнгги йилларда бу масала ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Натижада қисқа вақт ичида мамлакатимизда улкан қурилиш ишлари олиб борилиб, минглаб оилалар ватан ичра кичик ватанига эга бўлди. Хусусан, 2018 йилдан буён уй-жой қурилиши қарийб 2 баробар ортган. Аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминлаш даражаси 15,7 квадрат метрдан 18,2 квадрат метргача ёки 16 фоиз ошган. Биргина 2022 йилнинг ўзида 24,3 минг хонадон фойдаланишга топширилган.

Шунингдек, 2020 йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробар оширилиб, 1 миллион 200 мингга етди. Ўртача иш ҳақи 1293,8 мингдан 3214,8 минг сўмга ошди. Йиллар давомида яшириб келинган камбағаллик муаммоси борлиги Президентимиз томонидан очиқланиб, унга қарши кескин кураш бошлаб юборилди. Эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янгича "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" тизими жорий этилди. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари кафолатлари мустаҳкамланиб, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилди.

Авваллари ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва бошқа ижтимоий соҳа вакиллари ўз касбий фаолияти, ўқувчи ва талабалар ўқиши билан шуғулланмай, бутун куз фасли давомида пахта теримига жалб этилар эди. Мактабларда эркак ўқитувчиларнинг сони кескин камайиб кетганди. Бу, ўз ўрнида, болаларнинг таълим-тарбиясига салбий таъсир ўтказди.

Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда ушбу муаммо ечим топди. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилиши ортидан ўзбек пахтасига эълон қилинган бойкот бекор қилинди. Натижада дунёнинг энг кўзга кўринган уч юздан ортиқ бренди билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Бу соҳада бозор иқтисодиётининг синалган ва самарали усуллари, жумладан, кластер тизими жорий этилди. Тизим йил сайин ривожлантирилди, натижада 2021 йилга келиб республикада агрокластерлар сони 633 тага етди. Улар 2,2 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерини қамраб олди. Кластерлар ёрдамида пахта бўйича гектаридан 50 центнер, ғалла бўйича 100 центнердан ҳосил олиш кўзланмоқда.





> ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДА ТУБ БУРИЛИШЛАР ЮЗ БЕРДИ, ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ. АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ ОРТИБ, 2021 ЙИЛДА УЛАРНИНГ ҲАЖМИ 239,6 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. УШБУ КЎРСАТКИЧ 2016 ЙИЛДА БОР-ЙЎҒИ 51,2 ТРИЛЛИОН СЎМ ЭДИ.

Ижтимоий соҳа вакилларини мажбурий меҳнатдан озод қилиш баробарида уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳам эътибор кучайди. 2016 йилда болаларни боғчаларга қамраб олиш бор-йўғи 30 фоизни ташкил этарди, холос. Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари сони қарийб 30 мингга яқинлашди, шундан 23 мингга яқинини нодавлат боғчалар ташкил этади. Айни пайтда 2 миллион 100 минг ёки 71,8 фоиз бола боғчага қамраб олинди. Мазкур кўрсаткични 2023 йилнинг охирига қадар 75 фоизга етказиш режа қилинган.

Кенг жамоатчилик ва ота-оналарнинг фикр ҳамда таклифлари асосида мактабларда 11 йиллик таълим қайта тикланди. Мактаб ўқитувчиларининг иш юкламалари мақбуллаштирилди. Халқ таълими ходимларининг ижтимоий шарт-шароитини яхшилашга эътибор ортди. Ўқувчилар сони йил сайин кўпайиб, 2017/2018 ўқув йилида жами 5271,3 мингдан, 2021/2022 ўқув йилига келиб 6304,6 мингга ошди. Ўз навбатида, шунга мос равишда мактаблар ҳамда ўқитувчилар сони ҳам ортди. Хусусан, мактаблар сони 2016 йилдаги 9719 тадан 2021 йилда 10 минг 289 тага етказилди. Ўқитувчилар сони эса 2021/2022 ўқув йилида 510 мингга етди.

Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтириш мақсадида умумтаълим фанларини ўқитишнинг бутунлай янгича тизими яратилди. Президент мактаби, ихтисослаштирилган ҳамда ижод мактаблари ташкил этилди.

Мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Олий ўқув юртлари сони 200 дан ортди, уларга қабул квотаси 4 баробар кўпайди. Олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга етказилди.

Таълим ва тарбия масаласи умуммиллий ҳаракатга айланди. Ўқитувчининг мавқеини юксалтириш, устоз-муаллимларга муносиб шарт-шароит яратиш мақсадида педагог ходимларнинг иш ҳақи босқичма-босқич ошириб борилмоқда.

### Биз пандемияни қандай енгдик?

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, устувор мақсадлар аниқлаб олинди. Аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида хусусий тиббиёт ташкилотларининг тиббий ихтисосликлар бўйича лицензия олишига имконият яратилди. Хусусий тиббиёт муассасалари сони 1,8 баробар кўпайиб, 4000 тадан 7049 тага етди.

Тез тиббий ёрдам хизматида ислоҳотлар ўтказилиб, битта чақириққа дори-дармон учун ажратилган маблағ 500 сўмдан 7700 сўмга оширилди. Тез ёрдам шохобчалари сони 5 йил ичида 818 тадан 1666 тага етказилди. Чақириқларга ўртача етиб бориш вақти 25-30 дақиқадан 8-12 дақиқага қисқарди. Реанимобиль транспорт воситалари сони эса 24 тадан 435 тага кўпайтирилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Фармацевтика соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Президентимизнинг тегишли қарорлари қабул қилинди. Пандемия даври учун ўта муҳим бўлган ремдесивир, фавипиравир, гепарин, эноксапарин ва бошқа препаратларни қисқа муддатда юртимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, Спутник V, AstraZeneca, ZF-UZ-VAC2001, Moderna вакциналари олиб келиниб, халқимиз бепул эмланди. Ушбу ишлар Ўзбекистондаги инсонпарвар сиёсатнинг муҳим кўзгуси сифатида дунёга бўй кўрсатди.

### Ўзбекистон 182 мамлакат билан савдо алоқаларини ўрнатди

Ўтган вақт давомида иқтисодиёт соҳасида ҳам янгиланишлар, тезлик билан ўсиш жараёнлари юз берди. Жумладан, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ва иқтисодий фаолликни ошириш борасида кўрилган чоралар натижасида иқтисодий ўсиш йиллик 4,4 фоиздан 2021 йилга келиб 7,4 фоизни ташкил этди. Аҳолининг ЯИМдаги улуши 2021 йилда киши бошига 21 миллион сўмни ташкил этиб, 2,7 фоиздан 5,3 фоизга ўсди.

Пул-кредит (монетар) сиёсатидаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, энг аввало, валюта бозори либераллаштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки биргина ушбу ислоҳот тадбиркорларнинг кўплаб оворагарчилигига чек қўйиб, экспортни жадаллаштиришга замин яратди. Бу борадаги ишларни норматив ҳужжатлар билан тартибга солиш мақсадида янги таҳрирдаги "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизими такомиллаштирилиб, парламентнинг бюджет жараёнидаги роли оширилди. "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов пасайтирилиб, 12 фоиз этиб белгиланди. Солиққа тортишни соддалаштириш мақсадида амалдаги солиқлар сони 13 тадан 9 тагача камайтирилди.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш борасида туб бурилишлар юз берди, инвестиция сиёсати такомиллаштирилди. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ортиб, 2021 йилда уларнинг ҳажми 239,6 триллион сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилда бор-йўғи 51,2 триллион сўм эди.

Божхона назорати жараёнининг асосий қисми автоматлаштирилиб, инсон омили аралашувига чек қўйилиши натижасида ҳуқуқбузарликлар 4 баробар, божхона текширувлари сони 1,7 баробар камайди. Ўзбекистон жаҳоннинг 182 мамлакати билан савдо алоқаларини ўрнатди. Шунингдек, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш чоралари кўрилди. Натижада саноат маҳсулоти ҳажми 2021 йилда 456,1 триллион сўмга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли жон бошига 13,1 миллион сўмга етказилди. Биз учун ўта муҳим бўлган тўқимачилик тармоғида корхоналаримиз пахтани етиштиришдан уни чуқур қайта ишлашгача, якуний маҳсулот ишлаб чиқаришга қадар бўлган барча технологик жараёнларни пухта ўзлаштирди.

### "Яшил ривожланиш" истиқболлари

Она заминимиз бағридаги бой хомашё ва қазилма бойликларини эл-юртимиз манфаатлари йўлида ишлатиш мақсадида юқори самарали, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси, Тошкент металлургия заводи каби йирик ва ноёб объектлар ишга туширилди. Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Ана шу ишларнинг давоми сифатида яқинда етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг лойиҳа қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган янги мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланди. Шунингдек, жаҳонда фақат 4 давлатда бўлган йирик лойиҳалардан бири — "Uzbekistan GTL" саноат мажмуаси барпо этилди.

Бундан ташқари, "яшил энергетика", "рақамли иқтисодиёт" ҳамда транспорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 394 та янги маҳаллий автобус йўналиши очилди. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россияга жами 32 та мунтазам халқаро автобус қатнови йўлга қўйилди. Қатнов йўли узунлиги ортди. Хусусан, 2021 йилда темир йўл 4732,8 километр, қаттиқ қопламали автомобиль йўли 42 299 километр ва метрополитен йўли 59,1 километрга етказилди.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган хусусийлаштириш жараёнида фақат давлат корхоналарини сотиш эмас, балки уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий соҳадаги миллий манфаатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мутлақо янги ёндашувларни қўллашга устувор аҳамият қаратилди. Давлат активларини сотишда шаффофлик ва самарадорликни, кенг жамоатчилик иштирокини таъминлайдиган механизмлар амалиётга жорий этилди. Айни вақтда давлат активлари, кўчмас мулклар, бинолар, автотранспорт воситалари аукционлар орқали сотувга қўйилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар енгиллаштирилди, кўплаб янги имтиёзлар яратилди. Ҳудудларни комплекс ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан орқада қолаётган туман ва шаҳарларни тараққий эттириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш масаласи муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Умуман, қишлоқ ва маҳаллаларнинг архитектура қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари амалиётга жорий этилди. Муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш бўйича катта маблағ йўналтирилмоқда. Хусусан, аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун ҳар йили қарийб 4 триллион сўм, йўллар ҳолатини яхшилашга эса 6 триллион сўмга яқин маблағ ажратиб келинмоқда.

### Яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч руҳи

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспортида ёзилганидек, давлат ҳимоясини амалда ҳис қилмоқда. Чет элларда ишлаётган юртдошларимизга нисбатан муносабат буткул ижобий тарафга ўзгарди. Чет элларда уларнинг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ташкиллаштирилган миграцияни йўлга қўйиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди.

Билиб-билмай турли экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолган ватандошларимизга нисбатан кечиримли бўлиш, уларга инсонийликнинг энг юксак намунасини кўрсатиш муҳим ислоҳотлардан бирига айланди. Уларни тўғри ҳаётга қайтаришда илм-маърифат йўлидан бориш асосий мақсад қилиб олинди. Мамлакатимиз тарихида илк бор "Меҳр" операциялари амалга оширилиб, Сурия, Ироқ ва Афғонистондан аёллар ва болалар ватанимизга қайтариб олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида хорижий, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Бу борада халқаро муносабатларнинг янги саҳифаси очилди, десак муболаға бўлмайди. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат майдонидаги мавқеи юқори даражага кўтарилиб, кундан-кун ортмоқда. Барча мамлакатлар, айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқалар мутлақо янги даражага кўтарилди. Натижада Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан савдо айланмаси 5 баробар ортди. Ёпилган аксарият чегара пунктлари очилди. Турли тўсиқлар олиб ташланди. Узоқ йиллар бир-бирини кўра олмаган қариндошлар дийдорлашди, халқларимиз бир-бирига янада яқин бўлди.

Бундан ташқари, фуқаросизликни камайтириш мақсадида 2016-2022 йиллар мобайнида фуқаролиги бўлмаган 76 мингдан зиёд шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди ва бу ҳолат БМТ Бош котиби томонидан бошқа давлатларга намуна сифатида кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги, гендер тенглик бўйича эришаётган ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон миллий ва диний анъаналарга содиқлик борасида ҳам барчага ўрнак бўлиб келмоқда. Республикамиздаги бағрикенглик сиёсати туфайли 2016-2021 йилларда диний ташкилотлар сони жами 2239 тадан 2323 тага етди. Улардан 2132 таси исломий, 191 таси ноисломий ташкилотдир. 2021 йилнинг ўзида 96 масжид қурилиб, уларнинг жами сони 2104 тага етди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ва давом этаётган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлашга, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинлигини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Сўзимиз аввалида айтганимиздек, ислоҳотлар шунчаки амалга ошмади. Улар миллат ва мамлакат тақдирига дахлдорлик, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғун кўрган давлат раҳбарининг қатъияти, сиёсий иродаси, шижоати ва доно халқимизнинг фидойи меҳнати, сабр-қаноати билан амалга оширилди.

Бугун юртимизнинг ҳар бир жабҳасида ўзгаришлар, ривожланишлар давом этмоқда. Ўзига нисбатан талабчан бўлиш, ҳар бир ишни ҳар сафар янгидан бошлагандек шижоат билан амалга ошириш, вазифалар натижасига танқидий кўз билан қараш талаби ҳар бир масъул давлат хизматчиси учун муҳим дастуруламал бўлмоқда. Зеро, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмай, илдамлашда давом этар эканмиз, бугун тамал тоши қўйилаётган янгиланишлар келажакда, албатта, ўз маҳсулини беради. Бу саъй-ҳаракатларимиз халқимизнинг эзгу орзуси бўлган Учинчи Ренессанснинг, юксак тараққий этган Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини барпо этишда муҳим асос бўлади.



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

# ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ

## қандай мақсадларга хизмат қилади?

**Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви жорий йил 16 март куни бўлиб ўтган йиғилишда асосий ставкани 1 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 14 фоиз даражада белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда қайд этилишича, асосий ставканинг 1 фоиз бандга пасайтирилиши ўтган йил март ойида хатарлар учун фоиз ставкани ошириш орқали қўйилган қўшимча юкламани тўлиқ олиб ташлаш имконини беради.**




**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

Бошланиши 1-бетда

Инфляциянинг муқобил даражаси инвесторлар учун жуда муҳим. Одатда улар инвестиция киритмоқчи бўлган мамлакатдаги инфляция даражасини кузатиб боради ва унинг яқин орадаги даражасини кўз олдига келтиргач, сармоя олиб киришга ҳаракат қилади.

2022 йил якуни билан юртимизда инфляция 12,3 фоизни ташкил этди. Барча иқтисодий механизмларни қўллаб, жорий йилда бу кўрсаткични 10 фоиздан пастга тушириш мақсад қилинмоқда.

Президентимиз ҳузурида 2023 йил 7 февраль куни жорий йилда инфляция даражасини пасайтириш чоралари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда шундай рақамлар келтирилар экан, бунинг учун истеъмол товарлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уларни “даладан дастурхонгача” етказиб беришдаги харажатларни қисқартириб, арзон бўлишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқиш, аҳоли учун жозибадор молиявий хизматлар турларини кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда инфляцияни жиловлаш ва пасайтиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар қўлланиб келинади. Хусусан, Президентимиз топшириғи асосида 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб инфляцион таргетлаш режимига ўтиш учун 2 йилдан ортиқ тайёргарлик кўрилди. Марказий банкнинг таркибий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, янги департаментлар ташкил қилинди, макроиқтисодий прогнозлаш ва таҳлил салоҳиятини оширишга, коммуникация сиёсатини янгидан ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 19 ноябрь куни “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ушбу ҳужжатда Марказий банк зиммасига 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш вазифаси юклатилди.



### ХАЛҚАРО ТАЖРИБАГА ТАЯНИБ ИШ ТУТИЛГАНДА...

“Target” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “мақсад” маъносини беради. Инфляцион таргетлаш режимида унинг мақсадли кўрсаткичи (таргет) ўрнатилади. Унга эришиш учун пул-кредит сиёсати механизмлари босқичма-босқич ушбу режимга ўтказилиб, инфляцияни пасайтиришда самарали восита сифатида фойдаланилади.

Инфляцион таргетлаш режимининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, Марказий банк (ёки ҳукумат) келгуси давр учун инфляция мақсади ва инфляциянинг таргетдан силжиш оралиғини олдиндан эълон қилиши лозим.

Шу ўринда табиий савол туғилади: инфляция таргети қандай аниқланади ва ўрнатилади? Инфляцион таргетни белгилашда қандай омиллар ҳисобга олинади? Нима учун мазкур режимда пул-кредит сиёсати юритаётган давлатларда инфляция таргети турлича этиб белгиланган?

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида чехиялик иқтисодчилар Роман Хорватх ва Якуб Матежу 2011 йилдаги тадқиқотида 19 давлатда инфляция таргетини белгилашда ҳисобга олинадиган омилларни таҳлил қилган. Улар “Мамлакатлар инфляция бўйича таргетни танлашда ўтган даврлардаги инфляция даражаси, унинг тебранувчанлиги, ялпи ички маҳсулот ўсиши ва ташқи инфляция даражаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисобга олади”, деган умумий хулосага келган.

Айни пайтда ушбу режим жаҳондаги 40 дан ортиқ мамлакатда қўлланилмоқда.

— Ривожланаётган мамлакатлар инфляцион таргетлаш режимига XX асрнинг 90-йиллари охиридан ўта бошлади, — дейди Тошкент молия институти ҳузуридаги Молия-банк ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тармоқлараро институти директори, доцент Замир Холмаҳмадов. — Ушбу режимни Жанубий Корея, Бразилия, Колумбия, Таиланд, Польша ва Чехия биринчилардан бўлиб қўллаган. Янги Зеландия, Канада, Буюк Британия, Финляндия, Швеция, Австралия ва Испания инфляциянинг мақсадли кўрсаткичидан пул-кредит сиёсатининг индикатори сифатида муваффақиятли фойдаланган давлатлар сирасига киради. Мисол учун, Янги Зеландияда мақсадли кўрсаткичга эришиш учун, аввало, 18 ойлик муддат белгиланган. Мазкур муддат тугагандан сўнг инфляция даражасини босқичма-босқич пасайтириш учун яна 12 ойга узайтирилди ва мақсадли кўрсаткичга эришишга муваффақ бўлинди. Шундан сўнг яна беш йиллик даврга таргет режими жорий этилди.

Ўтиш иқтисодиётли барча давлатлар сингари юқори инфляцияни жиловлаш мақсадида 1998 йил сентябрь ойида Польша Марказий банки ҳам пул-кредит сиёсатини юритиш учун инфляцион таргетлаш режимини қабул қилди. Ўша йили июль ойида инфляция даражаси 11 фоиздан ортиқ бўлган бир пайтда Польша Марказий банки 1999 йил учун биринчи қисқа муддатли инфляция таргетини 8-8,5 фоиз оралиғида белгилади.

Инфляцияни пасайтириш мақсадида амалга оширилган қатор чора-тадбирлар натижасида унинг даражаси кутилганидан кўра тезроқ суръатларда пасайишда давом этди. Шундан келиб чиқиб, 1999 йил март ойида инфляция 6 фоизгача тушган кезда Польша Марказий банки пул-кредит сиёсати қўмитаси инфляция таргетини 6,6-7,8 фоиз оралиғида ўзгартиришга қарор қилди. Бироқ тартибга солинадиган нархларнинг олдиндан эълон қилинмаган ҳолда оширилиши ва таклиф томондан кутилмаган вазиятнинг юзага келиши натижасида 1999 йилнинг охирига келиб инфляция даражаси 9,8 фоизни ташкил этди.

Қаторасига икки йил давомида инфляция мақсадига эриша олмагани боис, Польша Марказий банки 2001 йил учун қисқа муддатли инфляция таргетини 6-8 фоиз оралиғида белгилашга қарор қилди ва декабрь ойига келиб йиллик бу кўрсаткич 3,6 фоизгача тушди.

2004 йилдан буён Польша Марказий банки инфляция таргетини белгилашда Европа Иттифоқига аъзо бўлиш учун Маастрихт шартномасининг инфляция бўйича меъёрларини ҳамда иқтисодий ўсишни ҳисобга олишга қарор қилди. Мазкур даврдан бошлаб инфляция таргети 1,5-3,5 фоиз оралиғида бўлиб келмоқда.

Халқаро тажрибага кўра, инфляцион таргетлаш режимини амалга ошириш учун, аввало, қатор шартларни бажариш зарур бўлади.

— Бунинг учун инфляциянинг доимий таргетини белгилаш ва унинг омиллари ҳамда кўзланган инфляцион мақсад ҳақида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш лозим, — дейди Замир Холмаҳмадов. — Инфляцион жараёнларни бошқариш ва пул бозорида фоиз ставкаларини тартибга солиш мақсадида пул-кредит сиёсати бўйича инструментлардан кенг миқёсда фойдаланишни жорий этиш керак бўлади. Пул-кредит сиёсати соҳасида объектив қарорлар қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектлар, уй хўжаликлари, тадбиркорлик, давлат бошқаруви соҳасини батафсил макроиқтисодий таҳлил қилиш ҳамда ички ва ташқи бозорларда мавжуд очиқ маълумотларни ҳисобга олган ҳолда прогнозлаштиришни йўлга қўйиш лозим.

Бу борадаги мақсадлар эса нархлар барқарорлиги, кредитларнинг оммабоплиги, паст даражадаги инфляция, аҳолининг миллий валютага бўлган ишончини оширишни кенг жамоатчиликка етказиш учун коммуникациявий сиёсатни такомиллаштириш, макроиқтисодий ҳолатни прогноз қилиш имкониятини таъминлаш ҳамда бозор иштирокчилари ишончини шакллантиришни тақозо этади.

**МУТАХАССИСЛАР ФИКРИЧА, АСОСИЙ СТАВКАНИНГ 1 ФОИЗ БАНДГА ПАСАЙИШИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН КРЕДИТЛАР ҲАЖМИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА 3,6, ҚУРИЛИШДА 2,8, САНОАТДА 2,7, САВДОДА 1,3 ФОИЗ КЎПАЙТИРАДИ.**

### НИМА УЧУН 5 ФОИЗ?

Жаҳон тажрибасида марказий банклар томонидан инфляцион таргетлаш режимига ўтишнинг асосий тамойилларидан бири инфляциянинг аниқ мақсадли кўрсаткичини белгилаб олиш ва мазкур кўрсаткичга (таргетга) эришиш учун барча зарурий чора-тадбирларни кўриб бориш ҳисобланади.

— Ўзбекистон Марказий банки 2020 йил бошидан инфляцион таргетлаш режимига фаол ўтишни бошлади ва доимий мақсадли таргет сифатида 2023 йилда инфляциянинг 5 фоизли даражасига эришиш вазифасини белгилади, — дейди Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти директори ўринбосари Самиғжон Иноғомов. — Мазкур кўрсаткичнинг айнан 5 фоиз даражасида белгиланиши кенг қамровли таҳлиллар ва инфляцион таргетлаш режимига ўтган давлатлар тажрибасига асосланади.

Асосий савдо ҳамкорларимизда инфляциянинг таргет кўрсаткичи 5 фоиз атрофида белгиланган. Хусусан, ушбу кўрсаткич Россияда 4 фоиз, Хитойда 3,5 фоиз, Қозоғистонда 4-6 фоиз ва Қирғизистонда 5-7 фоизни ташкил этади.

Бундай шароитда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда рақобатбардошлигини сақлаб қолиш вазифаси ички нархларнинг ташқи савдо бўйича ҳамкор мамлакатлардаги инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини талаб этади. Шу сабабли инфляцион таргет нисбатан юқорироқ кўрсаткичда белгиланса, ички бозорда нархлар ўсиши юқорилигича сақланиб қолади ва маҳаллий корхоналар маҳсулотлари нархлари нисбатан юқорироқ шаклланади.

Ҳамкор давлатлардаги инфляция даражалари ўртасидаги тафовутлар импорт товарлар нархига таъсир кўрсатиб, импортнинг солиштирма устунлигини оширади. Импорт товарларга талаб ортиши, ўз навбатида, хорижий валютага талабни ҳам ошириб боради. Бу эса сўмга нисбатан девальвацион босим юзага келишига сабаб бўлади.

Инфляция кўрсаткичи кўплаб товарлар гуруҳларининг ўртача ўзгариш кўрсаткичи ҳисобланади. Инфляция таргетининг 5 фоиздан юқори белгиланиши (масалан, 8-10 фоиз) оқибатида ушбу кўрсаткичга эришилган тақдирда ҳам айрим товар гуруҳлари нархларининг белгиланган мақсаддан юқори суръатларда ўсиши (12-14 фоиз) кузатилиши мумкин. Натижада айнан шу товарлар учун аҳолининг харид қобилияти пасаяди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион сезилмалари ва кутилмалари юқори даражада шаклланишига сабаб бўлади.

Шунингдек, инфляция кўрсаткичи юқори бўлиши миллий валютага ишонч пасайиб боришига олиб келади. Бунда миллий валютадаги жамғармалар камайиб, иқтисодиётда долларлашув жараёни кучаяди. Оқибатда иқтисодиётда узоқ муддатли ресурсларнинг тақчиллиги ортади, мавжуд пул ва капитал ресурсларнинг нотўғри тақсимланиши юзага келади.

Инфляция таргетини 5 фоиздан паст даражада белгилаш қандай оқибатларга олиб келади?

— Ушбу режимга ўтган давлатлар амалиётига назар ташласак, инфляциянинг таргети ривожланаётган давлатлар учун 3-5 фоиз, ривожланган давлатлар учун эса 2 фоиз атрофида белгиланган, — дейди Самиғжон Иноғомов. — Пул-кредит сиёсатининг мақсади инфляциянинг паст даражада шаклланишига эришиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш даражаси яхшиланиши учун қулай шароитлар яратиш ҳисобланади. Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичини жуда паст даражада белгилаш, одатда, товар ва хизматларга талабнинг етарли даражада шаклланмаслигига ва иқтисодий ўсиш секинлашишига олиб келиши мумкин.

Инфляция таргети кўрсаткичи паст даража, хусусан, 2 фоиз ва ундан пастроқ кўрсаткичда белгиланса, келгусида нархлар доимий пасайиб бориши ҳамда иқтисодиётда айрим товар гуруҳлари учун дефляцион хатарлар вужудга келиши эҳтимоли пайдо бўлади. Келгусида паст даражадаги инфляциянинг кутилиши аҳоли истеъмоли қисқаришига, тадбиркорлик субъектлари инвестицион қарорларининг ортга сурилишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, иш ҳақи ва иш ўринлари камайишига ҳамда узоқ муддатли инвестициялар ҳажми пасайишига сабаб бўлади.

Инфляция кўрсаткичи пасайиб бориши билан мос равишда Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳам паст даражада шаклланади. Бунда пул-кредит сиёсатининг муҳим воситаси ҳисобланган асосий ставканинг трансмиссион механизми самарадорлиги камайиб, иқтисодиётни инвестицион рағбатлантириш функциясини чеклайди.

### ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР ЁКИ УМИД УЧҚУНЛАРИ

Охирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг ўзгаришларга мослашуви ҳамда кўплаб давлатлар марказий банклари пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириб бораётгани кузатилмоқда. Европа Марказий банки барча учта асосий фоиз ставкаларини 50 базавий пунктга кўтарди. Кредитлар бўйича базавий фоиз ставкаси 3 фоизга, депозитлар бўйича 2,5 фоизгача, маржали кредитлар бўйича 3,25 фоизгача оширилди, дейилади ЕМБнинг яқинда берган баёнотида. Экспертларнинг қайд этишича, кўҳна қитъада охирги марта бундай кўрсаткичлар 2008 йилда шундай даражада бўлган.



ЕМБ президенти Кристин Лагарднинг маълум қилишича, еврорегулятор шу билан тўхтатмоқчи эмас ва пул-кредит сиёсатини янада қаттиқлаштиришни давом эттиради.

— Ҳар қандай сценарийга кўра, еврохудуд инфляциясини 2 фоизли кўрсаткичга қайтариш учун яна сезиларли даражада ошириш керак бўлади, — дейди Кристин Лагард. — Биз ставкаларни иқтисодий фаолликни сезиларли даражада чеклайдиган кўрсаткичга кўтаришимиз керак ва бу ўсиш бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Еврохудудда ҳам иқтисодий ўсиш, ҳам инфляция учун хавфлар мувозанати янада енгиллашади.

Аввалроқ Англия банки базавий фоиз ставкасини 3,5 фоиздан 4 фоизга кўтарган эди. Bloomberg нашрининг таҳлилича, бу Англия банки пул-кредит сиёсатини қатъийлаштиришни бошлаган 2021 йил декабридан бери ўнинчи марта ставка ошишидир.

Буюк Британияда декабрь ойида инфляция 10,5 фоизни ташкил этди, бу, асосан, энергия ва бошқа товарлар нархи ошиши билан боғлиқ бўлди. Регулятор инфляция 2023 йил охиригача 4 фоизгача, 2024 йилнинг иккинчи чорагида эса 2 фоиздан пастга тушишини кутмоқда.

АҚШ Федерал захира тизими базавий ставка оралиғини 0,25 фоиз пунктига кўтариб, йилига 4,5-4,75 фоизгача оширгани ҳақида хабар берилганди. Бу 2007 йилдан бери энг юқори кўрсаткичдир. Reuters ахборот агентлигининг маълум қилишича, ўшанда Америка иқтисодиёти узоқ давом этган ва чуқур таназзул ёқасида бўлган.

Регулятор аста-секин пасайиб бораётган инфляцияга қарши кураш сиёсатини кучайтирмоқда. 2022 йил декабрь ойида АҚШда нархлар 2021 йилнинг шу ойидагига нисбатан 6,5 фоиз ошди, бу 2021 йил октябрь ойидан бери бир йилдан кўпроқ вақт давомидаги минимал кўрсаткичдир. Шунга қарамай, бу ҳали ҳам АҚШ Федерал захира тизимининг 2 фоизли кўрсаткичидан анча юқори ҳисобланади.

Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви жорий йил 16 март куни бўлиб ўтган йиғилишда асосий ставкани 1 фоиз бандга пасайтириб, йиллик 14 фоиз даражада белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унда қайд этилишича, асосий ставканинг 1 фоиз бандга пасайтирилиши ўтган йил март ойида хатарлар учун фоиз ставкани ошириш орқали қўйилган қўшимча юкламани тўлиқ олиб ташлаш имконини беради. Бунда йиллик 14 фоиз даражасидаги асосий ставка инфляция прогнозининг пасаювчи динамикасида (8,5-9,5 фоиз) нисбатан қатъий пул-кредит шароитлар сақланиб қолинишини таъминлаши таъкидланади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази асосий ставканинг 1 фоиз бандга туширилиши макроиқтисодий кўрсаткичларга қандай таъсир кўрсатишини ҳисоб-китоб қилиб, иқтисодиётнинг жадаллашиши, аҳоли истеъмоли ошиши, кредит ҳажми ўсиши кутилаётганининг далолати сифатида баҳолади.

Марказ таҳлилига кўра, асосий ставка 1 фоиз бандга тушиши натижасида базавий сценарийга нисбатан мамлакат ялпи ички маҳсулоти 0,55 фоиз кўпаяди, аҳолига берилаётган кредитлар миқдорини 2,6 фоиз кўпайтиради. Натижада базавий сценарийга нисбатан аҳоли ялпи истеъмоли 0,2 фоиз ортади.

Халқаро валюта жамғармаси томонидан ўтказилган тадқиқотга мувофиқ, асосий ставканинг 1 фоиз бандга ўзгариши кредит ставкаларини ўртача 0,6 фоиз бандга, депозит ставкаларни 0,35 фоиз бандга ўзгартиради.

Яна бир жиҳат, асосий ставканинг камайиши тижорат банклари кредит ставкаларини пасайтириб, хусусий инвестицияларни рағбатлантиради. Бунинг натижасида ялпи инвестициялар ҳажми 0,68 фоиз кўпаяди.

Мутахассислар фикрича, асосий ставканинг 1 фоиз бандга пасайиши иқтисодиёт тармоқлари томонидан берилган кредитлар ҳажмини қишлоқ хўжалигида 3,6, қурилишда 2,8, саноатда 2,7, савдода 1,3 фоиз кўпайтиради.

Базавий сценарий бўйича 2023 йилда мамлакатимизда йиллик инфляциянинг 8,5-9,5 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Энг асосий эътибор ва қабул қилинаётган қарорлар инфляциянинг прогноз йўлаги доирасида шаклланиши ва 5 фоизли ўрта муддатли даражага қадар пасайиб боришини таъминлашга қаратилган. Инфляция таргетининг бу даражада белгиланиши мамлакатимиз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, нархлар паст даражада шаклланиши орқали иқтисодий ўсиш суръатларини ва инвестицион фаолликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадлари ва жамғармаларининг харид қобилиятини сақлаб қолишни назарда тутади.

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

# Яхшидан БОҒ ҚОЛАДИ

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бошланиши 1-бетда

**— Белгиланган чора-тадбирлар асосида 2023 йил баҳор мавсумида 8 миллион 750 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчати, буталар экиш режалаштирилган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Экология ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш масалалари бўйича котибияти етакчи мутахассиси Нурсултон Турдимуратов. — Бугун юртимиздаги барча инсонлар, кексаю ёш ушбу умуммиллий лойиҳа атрофида бирлашиб, кўчалар, кўп қаватли уйлар атрофи ва ҳовлисига кўчат экяпти.**



Хўжайли туманида жорий йил баҳор мавсумида 450 минг туп япон сафораси, катальпа, шумтол, қайрағоч, акация ва тут сингари манзарали ҳамда мевали дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Шу кунларда ҳududдаги барча маҳалла ва овул фуқаролар йиғинларида кўчат экиш, ниҳолларга ишлов бериш, атроф-муҳитни ободонлаштириш, кўча ва йўлларни тозалаш ишлари авж олган.

> **НУКУС ШАҲРИДА БУГУН 71 МАҲАЛЛА БЎЛИБ, “ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ ДОИРАСИДА БИР МИЛЛИОН ТУП МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ КЎЧАТИ ЭКИШ РЕЖА ҚИЛИНГАН. ҲУДУДДАГИ АЛЛАНИЯЗ ҚАҲРАМОН, ЧИМБОЙ ГУЗАРИ, ОТА МАКОН, ЙЎЛЧИЛАР, УЗУН КЎЛ, БОТАНИКА БОҒИ, ТОШЛОҚ, ТИНЧЛИК, ҚУТЛУҒ МАКОН, ҚУМ ОВУЛ МАҲАЛЛАЛАРИДА ҲАМ ИШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТЯПТИ. МАҲАЛЛАЛАР АҲЛИ ЎЗ УЙЛАРИ ОЛДИГА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ ВА ГУЛЛАР ЭКИБ, АТРОФНИ ЧИҚИНДИЛАРДАН ТОЗАЛАМОҚДА.**

Ҳудудни яшилликка буркаш, табиатни асраш мақсадида Тўрткўл туманида ҳам мазкур умуммиллий лойиҳа доирасида кўчат экиш ишлари жадал олиб бориляпти. “Яхшидан боғ қолади”, дейди халқимиз. Шу мақолга амал қилган тўрткўллик бир гуруҳ фаоллар Тозабоғёп овулида боғ яратишни мақсад қилган эди. Айни пайтда йўл чеккасидаги ташландиқ жой тозаланиб, мўъжазгина маҳалла боғи яратилмоқда. У ерга мевали ва манзарали кўчатлар экиляпти.

— Туманимиз ҳудудидаги барча қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларида лойиҳа доирасида катальпа, қайрағоч, терак, тут, акация, Шарқ туяси, узум, виргин арчаси, жийда каби жами 850 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчати экишни режалаштирганмиз, — дейди туман ҳокими Рустам Шамуратов. — Икки-уч кунда барча кўчатлар тўлиқ экиб бўлинади.

Элликқалъа тумани маркази Бўстон шаҳри аҳолиси ҳудудимизни яшилликка бурканган энг обод масканга айлантирамиз, деган ташаббус билан чиққан эди. Буни тумандаги санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими, Элликқалъа ахборот технологиялари коллежи, марказий кутубхона, тиббиёт коллежи, туман тиббиёт бирлашмаси, болалар спорт мактаби, ихтисослаштирилган санъат мактаби ва бошқа ташкилотлар қўллаб-қувватлади.

— “Яшил макон” лойиҳаси доирасида тумандаги маҳалла ҳудудларида кўчат экиш, ҳар бир ижтимоий, маданий ва дам олиш объектларида, кафе, ресторан атрофларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб, кўнглимиз яйради, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Халилла Ешимбетов. — Ҳудудларда олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жойларга бориб ўрганиб чиқдик. Элликқалъаликлар жорий йил баҳор мавсумида 770 минг туп кўчат экиш борасида жонбозлик кўрсатаётганининг гувоҳи бўлдик. Қилинаётган ишларни кўриб, кўзинг қувнайди.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида наманганлик боғбон Аҳмадхон ҳожи Хўжаев бошчилигидаги бир гуруҳ отахонлар Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманида бўлди. Намангандан олиб келинган мевали ва манзарали дарахт кўчатларини қорақалпоғистонлик отахонлар билан биргаликда “Нуронийлар боғи”га экишди. Ушбу боғнинг бир гектарига мевали дарахт кўчатлари экилиб, Аҳмадхон ҳожи Хўжаев ўз тажрибасини барча билан ўртоқлашди, зарур маслаҳатлар берди. Жорий йилда Қораўзак туманида режалаштирилган 420 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчати экиш ишлари жадал олиб борилмоқда.



“Қўнғирот сода заводи” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг 300 нафар ходими ҳам ушбу тадбирга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида заводнинг ички ва ташқи ҳудудига 1500 туп ниҳол экди. Шунингдек, дарахтларга ишлов берилиб, хиёбонлар тозаланмоқда.

Жорий йил баҳорги кўкаламзорлаштириш мавсумида Қўнғирот тумани бўйича 600 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоли экиш режа қилинган. Экилган кўчатларни озиқлантириш, зараркунандалардан ҳимоялаш ишлари назоратга олинган. Шунингдек, тумандаги ўрмон хўжалиги ва ободонлаштириш бошқармаси томонидан ташкил этилган иссиқхонада биогумус ва маҳаллий ўғит билан ишлов берилган райҳон, лаванда сингари доривор ўсимликларни томорқага, кўчаларга, ариқ бўйларига, дам олиш масканларига экиш назарда тутилган.

Амударё туманининг “Оқолтин” овул фуқаролар йиғини ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш мақсадида туман маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, мазкур овул фуқаролар йиғини аҳолиси билан ҳамкорликда “Обод маҳаллам” лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

— Мазкур ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳашар уюштирилиб, ҳудуддаги кўчалар тартибга келтирилди ва тозаланди. Йўл бўйларига, кўча четларига 700 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт, кўп йиллик гул кўчатлари ўтқазилди, — дейди овул фуқаролар йиғини раиси Алишер Шамшетов. — Ҳашарда қатнашган нуроний отахонлар билан онахонларнинг маҳалла ободлиги, хонадонлар тозалиги, кўчат экишнинг савобли амаллардан эканлиги хусусидаги гурунглари, тавсиялари ёшларга ўзгача ғайрат-шижоат бағишлади. Натижада ҳудуддаги идора, ташкилот, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим муассасалари, спорт иншоотлари атрофи, кўчалар тозаланиб, ўзгача чирой кашф этди.

Ҳудуддаги Нурулла Тожибоев хонадонида 4 сотихли иссиқхона бор. Бутун оила ҳамжиҳатликда шу ерда ҳар йили мевали, манзарали дарахт, эртаки экинлар кўчатларини етиштириб, аҳолига сотади. Томорқасига эса помидор, бақлажон, бодринг, булғор қалампири экиб, ҳосилини биринчилардан бўлиб бозорга чиқаради. Ҳалол меҳнати билан оила фаровонлигини таъминлайди, эл маъмурлигига ҳисса қўшади.

— Ҳовлимдаги иссиқхонада эртаки экинлардан ташқари ҳудудимиз иқлим шароити ва тупроғига мос арча кўчатлари ҳам етиштирмоқдамиз, — дейди овулдаги яна бир хонадон бошлиғи Қурол Камолов. — Энг муҳими, кўчатларимизни бозорга олиб чиқиб, овора бўлмаймиз. Харидорлар ўзлари излаб келиб, олиб кетади.

Нукус шаҳрида бугун 71 маҳалла бўлиб, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида бир миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчати экиш режа қилинган. Ҳудуддаги Алланияз Қаҳрамон, Чимбой гузари, Ота макон, Йўлчилар, Узун кўл, Ботаника боғи, Тошлоқ, Тинчлик, Қутлуғ макон, Қум овул маҳаллаларида ҳам иш қизғин давом этяпти. Маҳаллалар аҳли ўз уйлари олдига манзарали дарахт кўчатлари ва гуллар экиб, атрофни чиқиндилардан тозаламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қорақалпоғистонликлар баҳор мавсумининг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, кўчат экиш ишларини тез кунларда ниҳоясига етказишни режалаштирган ва шу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

---

МИННАТДОРЛИК

# МУАММОЛАРГА МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

**Одилжон ОТАУЛЛАЕВ,**
**Нурафшон шаҳридаги “Чиғириқ” МФЙ ҳоким ёрдамчиси**



**Президентимиз ташаббуси билан 22 март юртимизда маҳалла тизими ходимлари куни этиб белгиланган. Анъанавий тарзда нишонланаётган ушбу байрам яшариш ва янгиланиш, меҳр-оқибат айёми — Наврўз тантаналари давом этаётган шукуҳли кунларга тўғри келишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.**

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янги босқичга кўтариш орқали фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу тамойил асосида маҳалланинг ўрни ва нуфузини юксалтириш борасидаги ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда.

Маҳалла тизими ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Менинг ҳам камтарона хизматларим юксак баҳоланиб, “Шуҳрат” медалига лойиқ кўрилдим. Бу мукофот зиммамизга катта масъулият юклади.

Бугун Тошкент вилоятининг 1020 маҳалла фуқаролар йиғинида шунча ҳоким ёрдамчиси фаолият юритмоқда. Улар уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон ҳолатини ўз кўзи билан кўриб, иқтисодий аҳволни таҳлил қилмоқда. Бу эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилалар, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар, хотин-қизларни ишга жойлаштириш ҳамда имтиёзларнинг тўғри ва шаффоф етказилишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Тараққиёт стратегиясида кўзланган мақсадлар самараси Нурафшон шаҳридаги “Чиғириқ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган оддий одамлар ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда. Буни ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш, давлат органлари билан тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, маҳалладан давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни қўллаб-қувватлаш, ҳоким ёрдамчиси институтининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш каби бир қатор муҳим жиҳатларда кўриш мумкин.

Айни пайтда маҳалламизда 1600 га яқин киши истиқомат қилади. Улар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, “Онлайн маҳалла” электрон платформасига киритилди. Яқин-яқингача маҳаллада ишсизлик даражаси юқорилиги боис, ёшлар орасида жиноятчилик, оилавий ажримлар сони нисбатан юқори эди.

Одамларнинг иқтисодий фаровонлиги ошгани, меҳнат билан банд бўлгани ҳисобига маҳаллада бу йил жиноятчилик қайд этилмади, ажрашиш бўлмади. Сабаби, ёшлар ҳам, ўрта ёшдагилар ҳам иш билан банд. Иш билан банд бўлмаганлари ҳунар ўрганяпти ёки бирор касбга йўналтириляпти.

Мана, ҳозир айни экин-тикин пайти. Маҳаллада аҳолининг 18 гектардан ортиқроқ томорқа майдони бор. Улар авваллари бир марта ҳосил олган бўлса, тажрибали деҳқонлар тушунтириш ишлари олиб бориши натижасида энди уч-тўрт мартадан ҳосил олиб, даромад топяпти. Кимдир қалампир, кимдир бақлажон, яна кимдир ловия эккан. Бошқаларида эса иссиқхона бор. Қисқаси, бўш томорқанинг ўзи йўқ. Буларнинг замирида меҳнат ва унинг орқасидан келадиган иқтисодий даромад ётибди.

Ўтган йиллар мисолида кўрадиган бўлсак, фуқаро мурожаат билан ҳокимликка борган, бугун эса ҳокимлик маҳаллага келяпти. Ҳоким ёрдамчилари ташкилотларни бевосита маҳаллага чақириб, аҳоли муаммоларини биргаликда ечяпти. Натижада фуқаролар мурожаатлари ўтган йилдагига нисбатан 50 фоиз қисқарди.

Ўзим тадбиркорман. Шу боис, аҳолини ҳам тадбиркорликка ундаб келаман. “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида “Онлайн маҳалла” платформаси орқали жами 48 лойиҳага ижобий тавсиянома олишга эришдик. Шунингдек, биргина ўтган йили 25 та янги субъект ташкил этилди, 4 оилага субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди. Қизиқиши ва хоҳиши бор хотин-қизларга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳали олдимизда бажарилиши муҳим бўлган қатор вазифалар бор. Бизга яратиб берилган имконият ва билдирилган юксак ишонч эса ана шу йўлда барчамизга куч-ғайрат бағишлайди.

---

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

# НИЯТИМГА ЕТКАЗГАН ИМКОНИЯТ

## Усиз нуфузли олийгоҳда ўқий олмасдим

**Муҳаммадюсуф ФАХРИДДИНОВ,**
**Нью-Йорк университети талабаси**



**Болалигимдан компьютер ва аниқ фанларга қизиқишим мактабда информатика ва математика фанларида фаол бўлишимга туртки берган. Хусусан, 7-синфдан республика ва халқаро математика фан олимпиадаларида, дастурлаш бўйича умумжаҳон ҳакатонларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалладим. 8-синфда эса биринчи лойиҳамни яратдим.**

У IELTS имтиҳонининг ёзиш кўникмасини баҳоловчи бўлимига тайёрловчи веб-сайт бўлиб, талабалар бир-бирининг онлайн ёзган иншосига изоҳ қолдириши, хато ва камчиликларини кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, C# дастурлаш тили ёрдамида компьютер ўйинимни яратиб, видеоўйинлар онлайн бозорига юкладим. Айнан шу лойиҳалар технологияларга қизиқишимни янада кучайтирди. Шу боис, бу соҳани чуқурроқ ўрганиш учун дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида ўқишни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

10-синфни тугатиш арафасида IELTS имтиҳонида 7,5 балл олдим, бундан ташқари, SAT халқаро имтиҳонида ҳам юқори натижага эришдим. Халқаро имтиҳонларда эришган натижаларим ҳамда мактаб чоғида ишлаб чиққан лойиҳаларим АҚШ, Буюк Британия ва Канаданинг 30 дан ортиқ нуфузли университетида ўқиш имкониятини қўлга киритишимда катта ёрдам берди.

Бу ОТМларнинг аксарияти қисман грант тақдим этди, лекин ўқиш пули ва яшаш харажатининг қолган қисми ҳам жуда катта маблағ эди. Оилавий шароитимиз бундай катта харажатларни кўтармасди. Бахтимга ўша пайти “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳақида эшитиб қолдим. Жамғарма танловида қатнашиб, ғолиб бўлдим. Суҳбат чоғида кўплаб қизиқ саволлар берилди. Шахсан менга ёққани “Нима учун ватанингизни севасиз?” деган савол бўлди. Бу саволга: “Ватанимиз энг бой ва энг ривожланган давлат эмасдир, лекин мен айнан шу юртда туғилдим. Ватан худди ота-онага ўхшайди, уни инсон ардоқлаши керак”, деб жавоб бердим. Шу пайт кўнглимдан бошқача ҳиссиётлар ўтди.

Ҳозир АҚШнинг Нью-Йорк университетида компьютер муҳандислиги бўйича таълим оляпман. “Эл-юрт умиди” жамғармаси менга ҳар томонлама ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаяпти. АҚШда ўтказилаётган халқаро анжуман ва форумларда Ўзбекистон номидан қатнашиб, юртимизда бўлаётган ўзгаришларни чет эллик тенгдошларимга етказаётганимдан ниҳоятда хурсандман.

Асосий эътиборимни ўқишга қаратганман. Мақсадим — университетни аъло баҳоларга битириб, юртимизга фойдаси тегадиган мутахассис бўлиб қайтиш. Келажакда эса юртимизда жаҳон технологиялар бозорида рақобатлаша оладиган корхоналарга асос солиш ва рақамли технологиялар татбиқ этилишини янада кучайтириш ниятидаман. Аниқроқ айтганда, сунъий интеллект технологияларини кўплаб соҳаларда қўллаб, одамлар ҳаётини яхшиловчи ечимлар устида ишлайман.

Бу мақсадим йўлида ота-онам жуда катта кўмак бермоқда. Деярли ҳар куни интернет орқали суҳбатлашамиз. Шунга қарамай, уйимизни, маҳалламизни ва юртимизни соғиняпман. Кейин ўзимга ўзим таълим олгани келганим ва келгусида халқимизга фойдаси тегадиган инсон бўлишимни эслатиб, хотиржам тортаман.

АҚШдаги таълим Ўзбекистондагидан анча фарқ қилади. Асосий тафовут — бу ерда талаба ўз устида доимий ишлаши, фақат дарсликларга қараб қолмай, қўшимча манбалардан ҳам фойдаланиши керак. Дарсдан ташқари ташкилий ишларда фаол қатнашиш, жамиятга фойда келтирадиган лойиҳалар устида ишлаш лозим. Ҳар хил ташкилот ва корхоналарда тажриба алмашиш ва билимларни амалиётга татбиқ қилиш талаб этилади. Умуман олганда, олийгоҳни аъло баҳога битириш учун дарсликка таяниб ўқишнинг ўзи етмайди.

АҚШда олган билим ва кўникмаларимни тезроқ Ўзбекистонга бориб тенгдошларим билан ўртоқлашишга ошиқяпман. Бу ердаги курсдошларимга эса юртимиздаги ислоҳотлар ва ёшларга қаратилаётган эътибор ҳақида маълумот бериб, Ўзбекистоннинг буюк тарихи ва қадимий шаҳарлари тўғрисида бир неча тақдимотлар ўтказдим.

Математика ва дастурлаш бўйича ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашиб, келажакда амалга оширишни мақсад қилган лойиҳаларим устида ишлаяпман. Ватандош тенгдошларимга, ука-сингилларимга ҳеч қачон ортга чекинмасликни, доимо олий мақсад сари ҳаракат қилишни ва давлатимиз яратиб бераётган шароитлардан унумли фойдаланишни маслаҳат бераман. Бу имкониятлардан тўғри фойдалансак, Ўзбекистонда катта ўзгариш ясай оладиган, келажакда халққа нафи тегадиган инсонларга айлана оламиз.

# ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ САЙЁҲЛИК

ТУРИЗМ







## Унинг ривожланиш истиқболлари қай даражада?

**Искандар ТЎХЛИЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори**

**Туризм азалдан сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар зиёрат қилиш ва дунёвий билимларни ўзлаштириш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқалар ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққан. Шарқ Ренессанси даврида Марказий Осиё олимлари жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари зиёлилари қаторида бўлгани ва уларнинг илм-фан равнақи йўлида хорижий мамлакатларга қилган сафарлари натижасида зиёрат ва илмий туризм турларига асос солинганини алоҳида эътироф этиш лозим.**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий туризм хизматлар бозори шакллана бошлади. Айнан шу даврда мамлакатимиз иқтисодий эркинлигини ҳамда мустақил равишда ташқи дунё бозорига чиқишини маълум қилди. Бу даврда қабул қилинган ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун туристик хизматлар кўрсатувчи корхоналар учун янги имкониятлар эшигини очди. Натижада тармоқда янги бошқарув тизимини шакллантириш, туристик бизнесни юритишга ёрдамлашадиган қўшимча бизнес турларини яратиш, соҳага хизмат қиладиган банк, аудит, маслаҳат хизматларини ташкил этиш, вилоятларда туризм тармоғининг ҳудудий бўлимларини очиш, халқаро миқёсда туризм салоҳиятини реклама қилиш, хусусийлаштирилган туристик корхоналарни лицензиялаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди.

Мустақилликка эришилгандан кейин мамлакатимизда туризм соҳасида бир вақтнинг ўзида учта муҳим жараён амалга оширилди:

биринчиси, эски тизимдаги таназзулга учраган корхона ва ташкилотлар (экскурсия, саёҳат бюролари) ўрнига хизмат кўрсатиш талабига жавоб берадиган туроператор ва турагент сифатидаги янги ташкилотлар тузилди;

иккинчиси, эски туристик корхоналарни қайта тиклаш йўли билан маҳаллий ва хорижий истеъмолчилар талабига мос туристик хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилди;

учинчиси, 1992 йили мамлакатда "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташкил этилди ва туризм соҳасида бу компания барча ташкилий, бошқарув ҳамда мувофиқлаштириш функцияларини амалга ошира бошлади.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси 1993 йили Жаҳон туризм ташкилотига (ЖТТ) ҳақиқий аъзо бўлиб қўшилди. Бу жараён, ўз навбатида, халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1994 йилда БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

2014 йилда Жаҳон туризм ташкилоти ижроия кенгаши 99-сессиясининг айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Бунга барча асослар мавжуд бўлиб, бу пайтда бутун дунёда Самарқанд шаҳри бир овоздан "Ипак йўлининг юраги" деб эътироф этилган эди. Бу кўҳна шаҳар ўша йили АҚШнинг машҳур "The Huffington Post" интернет нашри эълон қилган рейтингга мувофиқ, сайёрамизнинг туристлар бориб кўриши зарур бўлган 50 та энг гўзал шаҳри қаторидан ўрин олган. Эътиборлиси, ушбу рўйхатга МДҲ давлатларидаги шаҳарлардан фақат Самарқанд киритилган.

Мамлакатимиз туризм салоҳиятининг ошишига туртки берувчи инқилобий ўзгаришга Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги тарихий фармони сабаб бўлди. Иқтисодиётда илк маротаба туризм соҳасига стратегик сектор мақоми берилди. Натижада юртимизда миллий туризм соҳасининг янги даври бошланди.

Миллий иқтисодиётдаги стратегик сектор, яъни драйвер сифатида тан олингани туризм жабҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг унга ёндош тармоқларини кластер усулида ривожлантириш, миллий туризм брендини яратиш ва уни жаҳон бозорида тарғиб қилиш имконини вужудга келтирди.

Тадқиқотларга кўра, туристик салоҳиятни шакллантиришда асосий сарф-харажатнинг 77,6 фоизи сайёҳликка ёндош хизмат кўрсатувчи тармоқ ва ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса туризмнинг мультипликатив самарасини аниқлашда иқтисодиётдаги



бошқа тармоқларнинг салмоқли ўрни борлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида белгиланиши натижасида ҳукумат томонидан кейинги 7 йилда соҳани жадал ривожлантиришга қаратилган 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида 2022–2026 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Соҳадаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизга киришда фуқаролардан виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 93 тага етказилди, 77 давлат учун электрон виза тизими жорий этилди. 109 давлат фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқи берилди. Жорий йилда туризм соҳасидаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларга субсидия ва ссудалар ажратиляпти.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 19 сентябрда мамлакатимизнинг ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида туризм учун пандемиядан кейин қайта тикланиш даври бошланганини таъкидлади. Дарҳақиқат, 2022 йилда юртимизга келган хорижий сайёҳлар сони олдинги йилга нисбатан 3 баробар ошиб, 5,2 миллион нафарни ташкил этди. Йил бошидан туризм экспорти ҳажми 926 миллион доллар бўлди (2019 йили даромад 951 миллион доллар бўлган). Ўзбекистонга келган меҳмонларнинг саёҳати ўртача 4-5 кунгача, сарфлаган маблағи 305 долларгача кўпайгани (бу 2019 йилда ўртача 3 кунни ташкил этиб, сайёҳлар 195 доллар сарфлаган) пандемиядан кейин қайта тикланиш ҳолати бошланганидан далолат беради.

Ҳозирги пайтда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдаги асосий мақсадлардан бири устувор стратегик йўналишларни танлаб олишдан иборат. Шу туфайли бугун дунё назари Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ижросига қаратилган. Мазкур ҳужжатнинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлашга бағишланган йўналишида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда мамлакатга келадиган хорижий сайёҳлар сонини 9 миллион нафарга етказиш вазифаси қўйилган. Ушбу вазифанинг бажарилиши макро даражада туризм соҳасини ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, туризм ва меҳмонхона хўжалиги хизматларини рақамлаштириш, ички туризмга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда туризмнинг иқтисодиётдаги мультипликатив самарасини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда.

Янги Ўзбекистонда туризм соҳасини иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш асосий ишлардан бири сифатида белгиланган туфайли туристик-рекреацион хизматлар самарадорлигини ошириш зарурати рақамли иқтисодиёт шароитида давлат аҳамиятига молик вазифага айланмоқда. Шу туфайли ҳозир Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий меросга, ноёб табиий салоҳиятга эга ҳудудлари учун зарурий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда туристик-рекреацион объектлар бўйича маълумотларни ҳамда туристик фирма ва меҳмонхона хизматларини рақамлаштириш зарур бўлмоқда.

Иқтисодиётни рақамлаштириш хилма-хил маълумотлар, таълим, илмий, кўнгилочар контентни тақдим этади, уни тезроқ, яхшироқ ва қулайроқ шаклга ўтказади. Бу, ўз навбатида, тўлов қийматини пасайтиради ва янги даромад манбаларини очади. Онлайн муҳитда туристик хизматларнинг нархи анъанавий иқтисодиётга қараганда анча пасаяди. Давлат ва тижорат хизматларидан фойдаланиш осонлашади. Бундан ташқари, рақамли дунёда товар ва хизматлар жаҳон бозорига тез чиқиши, дунёнинг исталган нуқтасида мавжуд бўлиши мумкин. Муҳими, таклиф этилаётган туристик хизмат истеъмолчиларнинг янги талабларини қондириш учун бир зумда ўзгартирилиши, қайта кўрилиши имконияти юзага келади.

Пандемиядан кейинги даврда туризм соҳасини тиклаш ва янада ривожлантиришда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ШҲТ давлатларининг ягона туризм брендини шакллантириш ва уни илгари суриш, шунингдек, янги туристик маршрутларни яратиш, мавжуд йўналишларни хавфсиз туризм нуқтаи назаридан оптималлаштириш, туризм соҳасида сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тажриба алмашишга келишиб олинди.

Ҳақиқатан, ШҲТ давлатлари билан туризм алоқаларини янада ривожлантириш муҳим йўналиш бўлиб, сайёрамиз аҳолисининг 44 фоизини қамраб олган ташкилот ҳудуди салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган улкан туризм бозоридир. Ушбу маконда бир йилда ШҲТ давлатларидан жами 250 миллионга яқин сайёҳ хорижда дам олиш учун кетишини ҳисобга олсак, ушбу оқимнинг атиги 5 фоизи Ўзбекистонга жалб қилинса ҳам, бир йилда қўшимча 12,5 миллион хорижлик сайёҳнинг ташрифини таъминлаш имкониятига эга бўламиз.

Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда сайёҳларнинг саъй-ҳаракатларидаги туб ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, ички туризмни жадаллаштириш зарурати алоҳида аҳамият касб этмоқда. Зотан, мамлакатимизда туризм хизматини тиклаш ва янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар самараси соҳа ёки тармоқ билан бирга, маҳаллалар, оилалар ҳаётида ҳам яққол сезилаётир. Шу боис, туризм соҳасини Ўзбекистон иқтисодиётининг кучли драйверига айлантириш мақсадида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш марралари белгиланган.

Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши юртимизда туризм соҳасидаги ислоҳотларнинг халқаро эътирофи бўлди. UNWTO Бош ассамблеяси ҳар 2 йилда бир марта ўтказиладиган муҳим туристик форум бўлиб, бундай нуфузли тадбир, яъни БМТ таркибига кирувчи ташкилотларнинг Бош ассамблеяси биринчи марта Ўзбекистонда ўтказилади.

Мазкур муҳим туристик форум ўтказилиши натижасида 2023 йилда Самарқанд шаҳри Жаҳон туризм пойтахтига айланади. Бу, ўз навбатида, "Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" концепциясини амалга ошириш ва юртимиз туризмида пандемиядан кейин қайта тикланиш даври бошланганидан далолат беради.

БОҚИЙ МЕРОС

# ИСЛОМ ОЛАМИНИНГ ЙИРИК ИЛМИЙ МУАССАСАСИ



**Дунё ҳамжамияти мамлакатимизда буюк муҳаддис Имом Бухорий ва бошқа мутафаккир алломалар қолдирган бой маънавий хазинани асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга тўла-тўкис етказиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бераётгани бежиз эмас.**

Зеро, хайрли ҳаракат — буюк аждодларимизнинг номларини янада улуғлаш, беқиёс маънавият хазиналаридан баҳраманд бўлиш ва номларини абадийлаштириш борасидаги савобли ишлар замирида ёш авлодни ўз Ватанига фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш, аждодларидан фахрланиш ҳиссини кучайтиришдек олий мақсадлар мужассам.

2017 йил 27 март куни Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори имзоланган эди.

Марказ муқаддас ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган, ҳадис илми султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорийнинг улкан меросини илмий асосда ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига тарғиб этиш, азалий миллий қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш асосида ёш авлоднинг руҳий ва маънавий оламини бойитиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилган.

— Марказ томонидан буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди марказ директори Шовосил Зиёдов. — Биргина 2022 йил мобайнида Имом Бухорий номидаги халқаро стипендия танловининг хорижий тадқиқотчилардан иборат 6 нафар ғолиби марказда илмий стажировка ўтади. Шунингдек, марказ Малайзия ислом илмий университети ва Туркиянинг Памуккале университети билан англашув меморандумлари имзолади.



Булар қаторига хориждаги ҳамкорларимиз билан ташкил этилган турли мавзулардаги 8 та халқаро илмий-амалий анжуманни ҳам қўшиш мумкин.

Бундан ташқари, марказ ташаббуси билан Швейцария, Туркия, Италия ва Бирлашган Араб Амирликларида "Имом Бухорий асарлари мисолида ислом санъати кўргазмаси", "Ислом хаттотлиги", "Қуръони каримнинг Ўзбекистон фондларида сақланаётган қадимий нусхалари" каби мавзуларда халқаро кўргазмалар ҳамда "Мовароуннаҳрда китобат маданияти" мавзусида ислом амалий санъати турлари бўйича фестиваль ва савдо ярмаркаси ташкил этилди.

— Юртимиз китоб фондларида сақланаётган ислом таълимоти, тарихи ва маданиятига оид қўлёзма асарларни долзарблиги бўйича таснифлаш ва ўрганиш, Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккир ва алломаларнинг мамлакатимиз ва хорижий давлатларда сақланаётган асарларини жамлаш ва тадқиқ этиш йўналишида аҳолидан 2 та қўлёзма ва 7 та тошбосма асар ҳадя сифатида қабул қилиб олинди, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Тўраев. — Марказда жисмоний ва юридик шахсларда сақланаётган ислом динига оид қадимий, ноёб қўлёзма асарларни харид қилиш бўйича ишлар йўлга қўйилган бўлиб, сўнгги пайтларда шу асосда ислом динига оид 44 та қўлёзма китоб жамланди.

Марказ мутахассислари саъй-ҳаракати билан Имом Бухорийнинг "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" асарининг хорижий давлатлар фондларида сақланаётган 220 та қўлёзма нусхаси рўйхати шакллантирилди. Имом Бухорийнинг маҳаллий ва хорижий қўлёзма фондларида сақланаётган 2 минг 838 та асари реестри тузилди.

Марказнинг қўлёзмалар фондида сақланаётган 69 та китобнинг электрон нусхаси тайёрланди. "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" туркумидаги 35 жилддан иборат китоб-альбом олиб келинди. Манбалар хазинасида сақланаётган 600 та қўлёзма ва 750 та тошбосма китоб муҳрланди ва инвентарь китобларга киритилди.

— Марказнинг жорий йилда ҳам истиқболли режа ва йирик лойиҳалари салмоқли, — дейди муассаса ахборот хизмати раҳбари Шерзод Маматов. — Хорижий мамлакатларнинг архив ва кутубхона фондларида сақланаётган аждодларимиз қаламига мансуб қўлёзма асарларнинг электрон нусхаларини олиш учун Ташқи ишлар вазирлиги, дипломатик ваколатхоналар орқали фондлар билан алоқа йўлга қўйилиб, ўзбекистонлик мутахассисларнинг ушбу муассасаларга илмий сафарлари ташкил этилади. Марказ ҳузуридаги музей янги экспонатлар билан бойитилади.

Шунингдек, маънавий-маърифий тарғибот йўналишида "Имом Бухорий авлодлари" номли мақолалар танлови ўтказилади. Қозоғистон, Туркия, Ўмон, Жазоир каби давлатлардаги янги илмий-тадқиқот марказлари билан турли йўналишларда ҳамкорлик кучайтирилади.

Марказ илмий ходимлари Оксфорд ислом тадқиқотлари марказида малака оширишга йўналтирилади, шу билан бирга, Туркиядаги Истанбул Сабаҳиттин Заим университети ва Исломни англаш институти, Россия Федерациясидаги Булғор ислом академияси билан ходимлар алмашинуви йўлга қўйилади.

**Нодир МАҲМУДОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-346.
13787 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:55 Топширилди — 23:30

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz